

Ёзувчи Окилжон Хусанов 1932 йилнинг апрелида Жиззах туманининг Равотлик кешлогига дехкон оиласида тутилган. Ўрта мактабни битирган (1940—1949)ъ, Самарканд дорулфунунида (1949—1954) таълим олади. Сўнгра Самарканд вилоят газетаси «Ленин йўлида» мусаххихликдан масъул котиб даражасигача бўлган лавозимга кўтарилди. 1960 йилда Тошкентга келган, «Муштум» ойномасида адабий ходим, бўлим мудир, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатади. 1967 йилдан «Шарк юлдузи» ойномасига ўтади ва у ерда то 1979 йилгача аввал бўлим мудир, сўнг эса масъул котиб бўлиб хизмат этади. 1980 йилдан то шу кунгача у «Гулистон» ойномасида турли лавозимлардан бош мухаррир ўринбосари даражасигача ишни давом эттириб келади.

Окилжон Хусанов ижоди талабалик даврларидаёқ бошланган бўлиб, шу кунгача унинг кўплаб шеърий, насрий асарлари, кисса ва романлари чоп этилди. Улар орасида «Кўшикчининг тақдири» (1963), «Самарканд булбули», «Меҳри дарёлар» (1971), «Бўлмаганга бўлишма» (1973), «Кашкар гўзали» (1976), «Тогда ўсган бола» (1975), «Тогда ўсган бола ёхуд жияннинг янги саргузаштлари» (1980), «Сирли одам» (1980), «Булбулнинг гўшти» (1977), «Тақилмаган узук» (1983), «Бахт каерда» (1987), «Кешлокка саёхат» (1988), «Учолса ҳам учолмаган турна» (1990), «Устанинг мухаббати» (1991) каби китоблари ҳамда «Гўрўгли киссаси» каби асарлари мавжуд. Ёзувчи мазкур асарларида покиза ва бегубор ёшлик кечинмаларидан, уларнинг ечилган ёхуд ечилмай колган орзу-армонларидан, мухаббат саргузаштларидан хикоя килади. Унинг кўп асарлари рус ва кардош халклар тилларида ҳам чоп этилган.

Ёзувчи 1982 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлган.